Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 39 (999) ● 2014-yil, 26-sentabr, juma

➢ 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни




Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Дарсларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ноанъанавий усулда олиб бориш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади. Бухоро шаҳридаги 38-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Нозима Икромова ўз ишига шундай ёндашади.

Н.Икромова дарс жараёнида кўргазмали воситалар, интерфаол усуллар, зарур ўқув жиҳозлари ва адабиётлардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш учун турли рангдаги янги сўзлар ёзилган карточкалар, инглиз тилига оид қизиқарли савол-жавоблар ташкил қилади.

Суратда: инглиз тили ўқитувчиси Нозима Икромова дарс пайтида.

## Очиқ ва эркин сайловлар — демократия асоси

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябридан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ ЎзА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, бўлажак сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.

3➢

## Сайловчи амалий дастурга эга партияни қўллаб-қувватлайди

➢ Адолат — ҳар бир инсон учун

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруҳасида Юртбошимиз кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш масаласига тўхталар экан, партиялар ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлиши кераклигини бежиз таъкидламаган эди.

Чунки, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияга эга бўлган, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодир партиягина сайловчилар ўртасида обрў қозониши мумкин. Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, биз Юртбошимизнинг танқидий фикрларидан келиб чиқиб, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг қуйи палатадаги фракциясининг 2013 йил 25 декабрдаги қўшма мажлисидаёқ яна бир бор фаолиятимизни қайта кўриб чиққан, йўл қўйилган камчиликларни инобатга олиб, энг аввало, дастуримизни аҳолининг, сайловчиларнинг кўнглига, орзу-интилишлари ва манфаатларига яқин, рақобатчи партиялар ғояларидан мутлақо фарқ қилувчи ғоялар билан тўлдиришга киришган эдик. Шу мақсадда партиянинг сайловолди дастурини ишлаб чиқиш учун учта эксперт гуруҳи ташкил этилди. Уларга Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликларининг, Фанлар академиясининг ва бошқа сиёсий-жамоат марказларининг 39 нафар етакчи мутахассиси киритилди. Жорий йилнинг январь-март ойларида дастур бўйича вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидан, эксперт ташкилотларидан 300 га яқин таклифлар олинди.

2➢

## Ахборотлаштириш — бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, ижтимоий адолатни таъминлайди

➢ Ишчи гуруҳи йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" фракциясининг қонун лойиҳалари юзасидан ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда "Мамлакатда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

6➢

## Қонун устувор юртда ўсиш, тараққиёт бўлади

➢ «Dolinotex»да янги БПТ

Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани "Олтин водий" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги бошланғич партия ташкилоти очилди. Қишлоқда жойлашган "Dolinotex" корхонасининг 17 нафар ишчиси Ўзбекистон "Адолат" СДПга аъзо бўлди. БПТ фаоллари корхона раҳбари Маданбек Қурбоновни якдиллик билан партиянинг янги бўғинига раҳбар этиб сайладилар.



6➢

## ОАВ — сайловларнинг очиқ, ошкора ва шаффофлигини таъминловчи муҳим восита

➢ Тараддуд

Ўзбекистон Республикаси кучли демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўп қиррали ва изчил давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда демократик янгиланишнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муайян ижтимоий институтлар, хусусан, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди.

2➢

## ЖИДДИЙ синовга масъулият билан

➢ Имзо тўплаш

Сайловлар – кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатнинг ажралмас белгиси, халқ иродасини намоён қилишнинг асосий шакли, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокидир.

2014 йилдаги сайловлар мамлакатимизда вужудга келган янги сиёсий шароитда ўтмоқда, у олдинги сайловлардан сифат жиҳатдан мутлақо фарқланади. Бунга, аввваламбор, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси қабул қилиниши ва амалга оширилиши асосий омил бўлмоқда.

2➢



ADOLAT
№ 39 (999)
2014-yil 26-sentabr, juma

# Сайловчи амалий дастурга эга партияни қўллаб-қувватлайди

Давоми. Боши 1-бетда

Шунингдек, сайловолди дастурини янада такомиллаштириш мақсадида бу масала партиянинг июль ойида бошланиб, октябрда якунланадиган ҳисобот-сайлов конференциялари кун тартибига киритилди. Ҳозирги босқичда бу масала 3200 дан ортиқ БПТларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўриб чиқилди, улардан амалий таклифлар олинди.

Эътироф этиш жоизки, 2009 йил сайловларидан кейинги ўтган давр Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ислоҳот ислоҳотлар учун эмас, инсон учун" ҳамда "Янгисини қурмай туриб, эскисини бузма" тамойилларига амал қилган ҳолда мамлакатни модернизациялаш, демократик янгилаш жараёнларида фаол иштирок этиб, аҳолининг кенг қатламлари орасида обрў-эътибор қозониб, республикамиз сиёсий майдонига ўзига хос ва мос ўринга эга бўлиб келмоқда.

Бугун қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон "Адолат" СДП ғоявий жиҳатдан янада кучайди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, натижада партия аъзолари сони 110 000 нафардан ошди, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида вакилларимиз сони кўпайди.

Айни пайтда биз жамиятимизнинг барча қатламларининг социал-демократия ғояларига хайрихоҳ фаол фуқароларига суяниш тарафдоримиз. Биз учун социал-демократиянинг тамойиллари бўлган Ҳалоллик, Ижтимоий Адолат, Эркинлик, Тенглик, Масъулият абадий қадриятлар бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳуқуқий давлат қурилишига дахлдорликни ҳис этган ҳолда ахлоқий-маърифий, адолатли, ижтимоий йўналтирилган фуқаролик жамият қуриш тарафдори.

Мақсад аниқ. Биз мукаммал низомга ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал этиш борасида ўз нуқтаи назаримиз ифода этилган ҳаракат дастурига эга чинакам сиёсий куч бўлишимиз керак. Яъни давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, хусусан, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позициямиз билан сайловда партиямиз учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодир кучга айланишимиз керакки, бу бизнинг сайловчилар ўртасида обрў қозонишимизга, сиёсий майдондан муносиб ўрин олишимизга имкон берсин.



Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида жорий йил апрель ойида Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар партиялараро рақобатни янада кучайтиришга мустаҳкам замин яратди. Шу нуқтаи назардан сайлов кампаниясига киришар экан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кўпчилик ўринни қўлга киритиш учун ҳаракат қилиши ва шу орқали вакиллик демократияси механизмлари воситасида қонунларни қабул қилишга, ижро ҳокимияти идораларини шакллантиришга, улар томонидан тегишли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазифалар ҳал қилинишига таъсир кўрсатишни мақсад қилгани баён этилган.

Хулоса ўрнида айтганда, сайловларга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Унинг натижалари сиёсий партияларнинг муҳим синовга пухта тайёргарлиги билан бирга, фуқаролар танловига ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши сайловолди платформасининг жозибадорлиги, халқчиллиги ва аниқлиги, шунингдек, тарғибот тадбирлари самараси билан ўлчанади.

Фақат сайловчиларнинг фаол иродаси ва хоҳиши билангина биз марказда ва жойларда уларнинг манфаатларига мос қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга таъсир кўрсата оладиган кучли депутатлик корпусини шакллантира олишимиз мумкин. Бизда ўзининг аниқ ва мустаҳкам позицияси билан сайловчилар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, ўзи ва жамият олдида, қонун олдида юксак масъулиятни ҳис қиладиган, сайловда Ўзбекистон "Адолат" СДП учун овоз берганлар манфаатини ҳимоя қиладиган муносиб номзодлар бор.

**Акмал САМЕДЖАНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Марказий аппарати ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири

# Метин ирода ва қатъият — мақсадларга эриштирувчи куч

**➢ Сайловолди штабларида**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий сайловолди штабининг йиғилишида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш кераккки, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 49-сон мажлисида партия Марказий сайловолди штаби тузилиб, унинг шахсий таркиби ва функционал мажбуриятлари белгиланган, шунингдек, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампаниясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг чора-тадбирлари тасдиқланган эди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида кенг кўламли ташкилий тадбирлар амалга оширилганини баён қилди. Хусусан, партия Марказий сайловолди штаби бошчилигида партиянинг сайловда иштирокини қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни якунига етказилмоқда. Ушбу вазифанинг ижросида Марказий аппаратнинг масъул ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

"Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ва бошқа ОАВда партиянинг бўлажак сайловларга муносабати ва унда иштироки юзасидан фаолларнинг позицияларини ёритиш, сайлов кампаниясига бағишланган партиянинг медиарежасини ишлаб чиқиш масалаларига ҳам йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди.

— Бугун биз партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан асосий вазифаларимизни белгилаб олдик, — дейди сайловолди штаби раҳбари ўринбосари А.Раҳмонов. — Энг аввало, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда очиқлик, ошкоралик ва қонунийликка риоя қилиш, сайловчиларга сайлов қонунчилигини кенг тушунтириш зарур. Бу жараёнда ҳудудий партия кенгашлари сайлов штабларининг маҳаллий партия кенгашлари сайлов штаблари билан тизимли алоқасини ташкил этиш талаб этилади.

Сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида масъулият билан иштирок этиш, аввало, жамоатчиликка, партиямиз электорати вакилларига партия ташкилотларимиз ҳамда депутатларимиз томонидан бажарилаётган амалий ишлар тўғрисида ахборот бериб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловолди ташвиқотининг қонунчиликда кўзда тутилган барча шакл ҳамда услубларидан кенг фойдаланиш, партия PR кампаниясини тизимли ва ҳар томонлама пухта ўйланган тартибда олиб бориш зарур.

Йиғилишда нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодларни саралаш жараёни, балки халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига муносиб номзодларни саралаш, уларнинг сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган ўқув машғулотларини ўтказиш борасида таклифлар билдирилди.

Шунингдек, жойларда сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган талаблар даражасида ўтказилишини таъминлаш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларида тузилган сайловолди штабларида кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани хусусида Марказий штаб масъулларининг ахбороти тингланди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

# ОАВ — сайловларнинг очиқ, ошкора ва шаффофлигини таъминловчи муҳим восита

Давоми. Боши 1-бетда

Оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Эркин ва адолатли сайловларнинг мазмун-моҳияти фақат мақбул муҳитда ўз овозини беришдан иборат эмас, балки сайлов жараёнларида барча сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланиши лозим. Бунинг натижасида сайловчилар тўлиқ ва етарли ахборот асосида ўзлари онгли равишда муносиб номзодни танлаб, овоз бериш имконига эга бўлишлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган мазкур сиёсий тадбир жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, сайловнинг очиқ, ошкора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилиши, унинг ҳақиқий ва адолатли деб эътироф этилиши бу жараённинг оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилишига ҳам боғлиқ.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказининг ташкил этилгани халқимиз учун ҳам, сиёсий партиялар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини, Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини сайлов қонунчилигига оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам ёритиб боради.

Бу йилги сайловнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари жорий йилнинг 6 майида кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида яратилган имкониятлардан ҳам фойдаланадилар. Яъни, журналистлар ёки ҳар қайси оддий фуқаронинг сайлов жараёнлари ҳақидаги сўров ва мурожаатларига ушбу қонунда белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссияси томонидан жавоб қайтарилади.

Республика матбуот марказининг ташкил этилиши Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ва ўз навбатида сиёсий партиялар матбуот хизматлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, ОАВда авваламбор, Комиссия фаолияти холисона ва тезкор равишда ҳар томонлама ёритилишини ташкил қилиш орқали миллий сайлов тизими ҳақида жамотчилик фикрини ижобий шакллантириш имконини беради.

Албатта, сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини аҳолига кенг тушунтириш, уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлигини ошириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг сайловлар адолатли ва қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиши имконияти мустаҳкамланган. Сайлов жараёнини ёритиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқлари ва улар амал қилиши керак бўлган меъёрлар «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда сайловолди ташвиқотни оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш меъёрлари аниқ белгиланган. Унга асосан, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга бир хил эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Сиёсий партиялардан эса ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бундай имкониятлардан унумли ва соғлом рақобат асосида фойдаланишлари талаб этилади. Бу эса ўз навбатида сиёсий партиялар матбуот хизматлари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки, партия матбуот хизмати Марказий сайлов комиссияси билан доимий ҳамкорликда ОАВга керакли ахборотларнинг ўз вақтида ва сифатли етказилишида муҳим роль ўйнайди.

Мухтасар айтганда, Республика Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган республика матбуот маркази сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтишини ҳамда ушбу сиёсий тадбир ҳақида халқимизга ва халқаро жамоатчиликка тезкор, холис ва ҳаққоний ахборотларнинг етказилишини таъминлаш баробарида ушбу жараёнда сиёсий партиялар ва ОАВ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

**Илёс САХАТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари



# ЖИДДИЙ синовга масъулият билан

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, Концепция асосида жорий йил апрель ойида Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда янгича сиёсий майдон вужудга келиши, партиялараро рақобатни янада кучайтириш, шунингдек, сиёсий партияларга қўйиладиган талабларнинг ортишини белгилайди. Давлат ҳокимияти вакиллик органларидан кўпчилик ўринларни эгаллаш учун кураш сиёсий партияларнинг бор имкониятларини сафарбар этишни талаб этмоқда.

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам парламент сайловида фаол иштирок этиш истагини билдирди.

Амалдаги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим.

Эслатиб ўтамиз, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт. Мазкур қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин партияларга тақдим этилди.

Албатта, имзо тўплаш жараёни Ўзбекистон "Адолат" СДП учун сайлов кампаниясининг дастлабки синовидир. Зеро, партиямиз аъзоси ёки ғояларимизга, қарашларимизга хайрихоҳ фуқаро ўз имзоси билан бизни қўллаб-қувватлар экан, маълум маънода фаолиятимизга баҳо беради, келажагимизга ишонч билдиради.

Айнан шу сабабли партиямизда сайлов жараёнининг бу босқичига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, имзо тўплаш жараёни барча даражадаги партия ташкилотларимизда ўзгача уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Партиямизнинг туман ва шаҳар кенгашлари, 3250 га яқин бошланғич партия ташкилотлари махсус режа асосида самарали фаолият юритишмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳар бир ҳудудда 3200 тадан имзо йиғиши лозим. Бир қарашда бу катта рақамдек кўринмайди. Аммо ҳар бир имзо, ҳар бир ишонч зиммамизга улкан масъулият юклашини асло ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотларида имзо тўплаш жараёни жадал амалга оширилмоқда. Куни кеча хушхабар олдик. Хоразмлик партиядошларимиз биринчилардан бўлиб бу режани адо этдилар. Худди шундай муждалар Фарғонадан, Бухородан келмоқда.

— Адолат бор жойда тараққиёт бор. Адолат бор жойда ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалиш бор, — дейди Хоразм вилоятидан Янгилжон Сапарбоева. — Шу сабабли мен "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" ғояси асосида фаолият юритаётган "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаб, биринчилардан бўлиб имзо чекдим. Ишончим комил, "Адолат" сайловларда юксак ўринларни қўлга киритади.

— Биз муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловларда иштирок этар эканмиз, албатта ғалаба қозониш, давлат ҳокимияти вакиллик органларидан имкон қадар кўп ўрин эгаллаш учун ҳаракат қиламиз, — дейди партия аъзоси Холиса Расулова. — Шундай экан, сайловга тайёргарликнинг дастлабки муҳим босқичи бўлган имзо тўплаш жараёнига ҳам алоҳида масъулият билан ёндашдик. Юртдошларимизнинг партиямизга бўлган эътибори бизни тўлқинлантириб юборди. Бундай сафдошларимиз, хайрихоҳларимиз билан биз албатта муваффақиятларга эришамиз, деб ўйлайман.

— Мен "Адолат" СДПнинг кўп йиллик аъзосиман, — дейди Гулистон шаҳридаги партия фаоли Ш.Ҳасанов. — Партиянинг шаҳримизда ўтказаётган турли тадбирларида мунтазам иштирок этиб келаман. Бу сиёсий кучнинг ғоялари халқчиллиги мени ўзига доимо жалб этади. Шу сабабли мен "Адолат"нинг сайловлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаб, биринчилардан бўлиб имзо чекдим.

— Имзо тўплаш жараёнида бизга айниқса, бошланғич партия ташкилотлари яқиндан кўмак бермоқда. Партия фаоллари маҳалла, идора ва ташкилотларда бўлиб, имзо тўплаш жараёнида фаол иштирок этишмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Миробод туман кенгаши раиси Т.Матибаев. — Бу галги имзо тўплаш жараёни деярли осон кечмоқда. Сабаби ўтган давр мобайнида партиямиз аниқ ва амалий ишлари билан ном қозонди. Қолаверса, фуқароларимизнинг сиёсий билимлари олдингига қараганда анча ошди.

Ҳа, Ўзбекистон "Адолат" СДП учун овоз тўплаш жараёни барча ҳудудларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтмоқда. Бу эса партиямизни олдинда янги ютуқлар кутиб турганлигига яна бир ишонч ҳосил этади. Шу билан бирга, партиямизга ишонч билдириб чекилган ҳар бир имзо партиямиз ҳамда депутатликка номзодларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис электоратнинг ишончини қозониш учун қизғин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳар бир ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида масъулият ва фаоллик билан иштирок этишга интилмоқда.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

ADOLAT
№ 39 (999)
2014-yil 26-sentabr, juma



# Очиқ ва эркин сайловлар — демократия асоси

Давоми. Боши 1-бетда

— Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, — дейди М.Абдусаломов. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Айни пайтда сайлов тизимининг такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнларини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам сезиларли равишда ошди.

Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустаҳкам асос яратади ва сайлов жараёнини ташкил этишга жалб этилган барча тузилмалар зиммасига катта масъулият юклайди.

***— Миллий сайлов тизимида мустаҳкамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.***

— Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэътироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентликнинг демократик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, депутатликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишига ҳар қандай уринишлар тақиқланади.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатимиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни берилгани ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу норма атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва фуқаролар саломатлигини яхшилаш масалаларининг муҳимлигидан ва уларнинг ҳал этилишидан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор эканидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган.

***— 2014 йилдаги сайлов қандай хусусиятларга эга, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига қандай ўзгартишлар киритилди?***

— Мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик органларига бўлажак сайлов янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли комплекс ислоҳотларни амалга оширишда эришилган улкан муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда ва Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга. Аввало, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланиб, сўнгги йилларда иқтисодий барқарор ўсиш суръатларининг 8 фоиздан кўпроқни ташкил қилаётгани, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг узлуксиз ошиб бораётгани, шунингдек, уларнинг фуқаро сифатида ўзини ўзи англаши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани энг катта ютуғимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуси давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг белгиланганы муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш чоғида Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Бундан ташқари, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайди. Жойларда ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ушбу барча ўзгартишлар қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, партиялараро рақобатни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг демократлиги, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айланди.

Концепцияни татбиқ этиш доирасида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланувдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норма киритилди.

Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш кафолатини кучайтиради.

Кузатувчиларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси ушбу талабларни инобатга олган ҳолда, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади.

***— Айтингчи, мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва унда сайлов кампанияси давомида ҳал этилиши лозим бўлган қандай вазифалар қўйилган?***

— Қонунчилик талаблари ва халқаро сайлов стандартларига тўлиқ мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ушбу дастурда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаб ва вазифалар, аниқ вақт жадвалига биноан бўлажак барча тадбирлар ва масъул тузилмалар белгиланган. Бу сайловга юксак демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишга оид зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратиш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада сайловда иштирок этаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг янги нормаларини, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партия парламент сайловида иштирок этиш ва депутатликка номзодлар кўрсатишга ижозат олиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларидан фойдаланишларига кўмаклашишга катта аҳамият берилади.

Бунда сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз ва аниқ риоя этиши муҳим талаб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, дастурда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоидасини изчил ва сўзсиз амалга ошириш зарурлиги қайд этилган. Ҳеч ким сайлов жараёнига аралашиши мумкин эмас. Авваламбор, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади.

Сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига биронбир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёрлари, талаблари, қонунда ва ушбу дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хил ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу муҳим вазифаларни бажариш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, сайлов комиссиялари, сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассислари салоҳиятидан фойдаланилмоқда.

Мисол учун, мамлакатимиз ва чет эл экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилди. Парижда "Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт", Тошкентда "Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари", Самарқандда "Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик, ошкораликни таъминлаш ва қонунга риоя этишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида қатор халқаро конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларнинг ўтказилиши чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятини Ўзбекистонда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ ва холис хабардор қилишга ёрдам берди.

Бундан ташқари, кенг жамоатчиликка 2014 йилги сайлов кампаниясининг барча жиҳатларини тушунтириш мақсадида етакчи олим ва экспертларнинг марказий ҳамда ҳудудий теле- ва радиоканалларда 300 дан зиёд чиқишлари ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 570 дан ортиқ мақола чоп этилди, интернетдаги хорижий сайтларда 580 дан зиёд материаллар жойлаштирилди.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар доирасида бўлажак сайловларнинг мазмун-моҳияти, сайлов кампанияси ҳар бир босқичининг асосий вазифалари очиб берилмоқда. Сайлов масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар, рисола ва услубий қўлланмалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди, 120 нафар ОАВ вакили ўқитилди. Бундан ташқари, жойларда "Сайловларни ёритишда ОАВнинг роли" мавзусида ўтказилган 14 давра суҳбатида ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг 370 нафар журналисти иштирок этди.

***— Бўлажак сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.***

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан бири сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Улар демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва ғояларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка кўрсатаётган номзодлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаши лозим. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишига жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазифасини бажаради.

Сайлов жараёнининг барча босқичлари очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ОАВ орқали ўз вақтида холис хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишлаб ўтказадиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этади, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакилларини мазкур муҳим демократик жараён билан боғлиқ зарур ахборот материаллари билан таъминлайди. Айни пайтда журналистларни Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz сайтида эълон қилинган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига хорижий ва миллий ОАВ вакилларидан мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар давом этмоқда. Мазкур ишлар сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган дастур ва тадбирлар календарь режасига қатъий амал қилган ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Қонун талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этиш, шубҳасиз, бўлажак сайловни демократия принциплари асосида очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлайди.

ЎзА мухбири
**Меҳрибон МАМЕТОВА**
суҳбатлашди.

**➢ Депутатлик гуруҳларида**

# Сессияга масала киритилди

Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан кун тартибига киритилган "Тошкент вилоятида муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва ундан энергия ресурсларини тежашда кенг фойдаланишни ташкил этиш" масаласи муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиеванинг ахбороти тингланди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар саноат тармоқларига "яшил иқтисодиёт" тизимини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан дунё жамоатчилиги эътиборини тортмоқда, — деди З.Эралиева. — Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ушбу ҳужжатга кўра, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, бунда муқобил манбалардан энергия ҳосил қилиш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзимизда тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фотоэлектрик панеллар тайёрлаш бўйича лойиҳалар имтиёзли кредитлар билан молиялаштирилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, вилоятимизда кўплаб йирик саноат корхоналари ҳамда илмий текшириш институтлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Ангрен махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддат ичида энергия тежайдиган диодли ёруғлик лампалари, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Айни пайтда олий ва ўрта махсус билим юртларида соҳага тегишли мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш, бу соҳада катта ютуқларга эришган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини яратишга таклифлар бериш, вилоятимизда мавжуд бўлган барча турдаги қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши депутатлари томонидан мазкур масала бежизга сессия кун тартибига киритилгани йўқ. Бунда вилоят партия кенгашининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш, уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш устида олиб борилган кўп йиллик изланиш ва тажрибалар асос бўлди.

Сессияда мамлакатда ва вилоятдаги муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиб, ихтисослашган корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Сессия қарори билан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, биринчи навбатда, қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар, мактаблар ва бошқа ижтимоий объектларнинг энергия таъминотини яхшилаш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида электр энергияси, иссиқ сув ва газ ёқилғиси билан таъминлашни йўлга қўйиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Шунингдек, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий қилиш мақсадида янги қурилаётган уй-жойларга намуна сифатида фотоэлектр станциялари ўрнатиш бўйича мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарларига таклифлар ишлаб чиқиш белгиланди.

**Азиза ҚУРБОНОВА**

ADOLAT
№ 39 (999)
2014-yil 26-sentabr, juma

# Адвокатура — инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи муҳим институт

**➢ Семинар**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини, жумладан, адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш ва чинакам мустақиллигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатура институтининг ролини оширишга хизмат қилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг ривожланиши — суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг муҳим омили" мавзусидаги семинарда ҳам соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, адвокатура институтини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи ва истиқболлари борасида атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда эътироф этилганидек, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларни малакали юридик ёрдам олиш имконияти билан таъминлаш, адвокатура соҳасини юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга қаратилган чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари адвокатура институтининг тубдан мустаҳкамланиши, янада фаоллашуви, жиноят, фуқаролик ва хўжалик масалаларига оид жараёнларда қонунийликни таъминлашнинг муҳим гаровига айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг "Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш имконини беришини таъкидладилар. Шу билан бирга адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадларини ўзида мужассам этганини эътироф этдилар.

**Ойша АХУНОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратишга қаратилган.

Жаҳон ҳамжамияти олдида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос механизмлар яратилган. Булар ичида адвокатура институтининг ҳам ўзига хос алоҳида ўрни мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг судда ваколатлари тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Мамлакатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатларига қўшилган бўлиб, ушбу ташкилотнинг бу борадаги олтита асосий халқаро шартномасининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланган. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш мақсадида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилаётганининг кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари қабул қилиниши адвокатура институти ҳамда адвокатлик фаолиятининг мустаҳкам қонунчилик базасини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида қайд этилганидек, адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, судлов ишларининг холис ва адолатлилигини рағбатлантириш, адвокатура институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлар корпуси фаол иштирок этмоқда.

**Ушбу дастурий вазифаларимиздан келиб чиқиб, ташкил этилган бугунги тадбирдан кўзлаган мақсадимиз ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлган адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш ва мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни яна бир бор таҳлил этиб, ушбу соҳага янги кириб келаётган мутахассисларни соҳага доир қонунчилик билан чуқурроқ таништириш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишдан иборатдир.**



Тадбирда сўз олганлар давлатимиз раҳбари ва мамлакатимиз ҳукуматининг Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилишга доир қатор фармон ва қарорларининг ўрни ҳамда аҳамиятини алоҳида эътироф этишди. Мазкур қонун ҳужжатлари суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг суд жараёнининг ҳар қандай босқичида профессионал ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқини белгилайдиган конституцион нормани амалга ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш ва унинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

**Бекзод АРТИҚОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— Дарҳақиқат, адвокатура институти шахсларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаганлиги сабабли, фуқаролар ва ташкилотларнинг адвокатура томонидан кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (116-модда) билан кафолатланди.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ меъёрлари талабларига мувофиқ нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳимоялаш асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш юзасидан ташкилий механизм ҳамда тегишли миллий инфратузилма ҳам вужудга келтирилди. Бунинг исботи сифатида, бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланиб келаётган миллий институтлар, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адвокатура институтини ислоҳ қилиш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида 3 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ва 9 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар адвокатура соҳасида амалиётнинг асосий ўрин тутишига, адвокатларнинг ўз устида кўпроқ ишлашларига туртки бўлди.

Бир сўз билан айтганда, адвокатура соҳасидаги ислоҳотлар асосан адвокатура институтини янада эркинлаштириш, адвокатуранинг ўрни ва мақомини кучайтиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда мамлакатимизда адвокатлик фаолиятининг бугунги аҳволига тааллуқли, чунончи, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган томонлар вакиллиги институтини такомиллаштириш, шунингдек, адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

**Шуҳрат СОДИҚОВ,**
**Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари:**

— Бугун адвокатларнинг ваколат доираси ва ҳуқуқлари анча кенгайди. Натижада бу касбнинг жамиятдаги обрў-эътибори, нуфузи ортди. Бунда, айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳамияти катта бўлди.

Масалан, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Чунки ўзгартирилган тартибга кўра, ана шуларнинг барчаси учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоя бўлади. Бу адвокат мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фармонда адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг бир неча асосий йўналишлари белгилаб берилди. Кейинги йилларда адвокатура институтининг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни ҳалол ва касб маҳорати юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ҳамда нуфузини ошириш йўлида босқичма-босқич изчил демократик ислоҳотлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш энг долзарб масала эканидан келиб чиқиб, бунга бевосита масъул бўлган адвокатлар билим ва малакасини ошириш бугунги кун тақозоси. Шу нуқтаи назардан бугунги семинар ҳам соҳага кириб келаётган ва малака ошираётган ёш мутахассисларнинг билим-кўникмаларини оширишга хизмат қилди.

Жонли мулоқот тарзида бўлиб ўтган тадбирда шунингдек, бугунги кунда амалиётда адвокатлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган айрим омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан ўзаро савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилди. Семинар якунида адвокатура институтини такомиллаштириш борасида қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Бобур ОТАМУРОДОВ**

---

**➢ Дил сўзи**

Ҳаётда шундай олижаноб, комил инсонлар борки, уларни учратганингда дилинг яйрайди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Хоразм вилоят Кенгаши раиси Нурмат Эшметов шундай инсонлардан. У кишининг ўз ишига бўлган садоқатини кўриб, ҳавас қиласан киши. Нурмат ака билим ва тажрибасини доим шогирдлари билан баҳам кўради. Устозимизнинг тартиб-интизомга қатъий риоя қилиши, адолат ва инсоф меъёрларини қадрлаши, меҳр-оқибатни унутмаслиги биз учун улкан ҳаёт дорилфунуни вазифасини ўтайди.

Биз шогирдлар меҳрибон устозимизни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан қизғин қутлаймиз!

**Замира АБДУЛЛАЕВА**




---

# МУАЛЛИМ

Устозлар шаънига қасида жоиз,
Бу олис мозийдан қолган ақида.
Менга зўр қувончдир, шу айём боис
Сўйламоқ Сиздайин Устоз ҳақида.

Дунёда кимки бор, шогирддир зотан,
Зотан ҳар кимда бор бемисл устод.
Доҳийлар ақлин ҳам машъала этган
Қай устоз қолдирган лахча чўғ албат.

Биз ялдо кечаси нотаниш маскан
Қошида иложсиз қотган ҳолда жим,
Қўлда мангу сўнмас олови билан
Сарбонлик этади бизга муаллим.

...Олисларда қолди мактаб партаси,
Унутилди беғам ўспиринлик ҳам.
Лекин узун тунлар баъзида, рости,
Сиз билан хаёлан суҳбат қураман.

Гоҳ ожиз, журъатсиз бўлиб қоламан,
Гоҳо йўқолади ўзимга ишонч.
Муаллақ ҳолатда ўйга толаман
Гоҳо сиқувларга беролмай бардош.

Шунда сиз қошимда пайдо бўласиз,
Ўйчан кўзларингиз боқар гинали.
Гўё лабларингиз қимирлар сассиз:
"Мен сендан кутганим шумиди ҳали...

Дунёда ёмонлар учраб туради
Ва-лекин яхшилар улардан бисёр.
Руҳингни туширмай, келажак сари
Дадил қадам ташла. Тушкунлик бекор..."

Юрагимга қувват югурар яна,
Ишонч зиёси-ла чароғон қалбим.
Руҳимда шод ҳислар этар тантана,
Сизни эслаганда, азиз муаллим.

Сиз соғу саломат, вақти чоғ бўлинг
Биздек шогирдларнинг бахтига ҳам дам.
Панду насиҳатни аямай туринг
Биз муаллақ ҳолда қолган пайтлар ҳам...

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ**

---

# Ғолиблик муборак, партиядош!

**➢ Хушхабар**

Шу кунларда бутун Қорақалпоғистон бўйлаб қувончли хушхабар тарқалди. Айниқса, ушбу янгилик партиямизнинг Нукус туман кенгашига тааллуқли экани барча партиядошларимиз учун қувонарлидир.



2014 йилнинг 15 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **«Йилнинг энг яхши мактаб директори — 2014»** кўрик-танловининг республика босқичида Нукус туманидаги 21-сонли умумтаълим мактаб директори Нурлибек Қдирниязов ғолибликни қўлга киритди.

Жами 28 нафар мактаб директорлари иштирок этган кўрик-танлов уч турда ташкил этилиб, иштирокчилар дарсни кузатиш ва таҳлил этиш, педагогик кенгашга таёргарлик кўриш ҳамда «Келажак мактаби» мавзуси юзасидан тақдимот шартлари бўйича беллашишди.

— Танловда иштирок этиш учун тайёргарлик кўриш жараёнида шартларни обдон ўрганиб, «Келажак мактаби» тақдимоти бўйича ўз концепциямизни ишлаб чиқдик, — дейди Нурлибек Қдирниязов. — Келгусида мактабимиз ўқитувчиларининг «Excel», «Word», «Power Point» дастурлари билан ишлаш кўникма ва малакасини тўлиқ шакллантириб, ҳар ойда «Энг яхши электрон дарс-ишланма» танловини ўтказиб боришни мақсад қилганмиз.

Ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан мунтазам фойдаланади ва мактаб веб-сайтини методик янгиликлар билан бойитиб боради. Кейинчалик ўқувчиларнинг билимларини назорат қилишда электрон иш дафтарларидан фойдаланишни амалиётга татбиқ этамиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус туман кенгаши раиси Азамат Дарибоев бош бўлган бир гуруҳ туман партия кенгаши фаоллари мактабга ташриф буюриб партиядошимизни эришган ғалабаси ва 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами билан муборакбод этишди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида таълим соҳасига катта эътибор қаратилиб, унинг замонавий моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилган. Таълим жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашда, шунингдек, соҳага халқаро тажрибаларда синалган янгиликларни киритишда партиямиз фаоли Н.Қдирниязовга ўхшаган соҳа фидойиларининг хизматлари катта бўлиши аниқ, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус туман кенгаши раиси Азамат Дарибоев партия аъзоси эришган ютуқлардан тўлқинланиб.

**Шарипа ТОРЕШЕВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

# «Ҳабибий»нинг фидойи инсонлари

**➢ Маҳалла**

Маҳаллани аҳиллик, ҳамжиҳатлик қўрғонига бежиз ўхшатишмайди. Бу ерда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари қарор топган, бебаҳо қадриятлари жо бўлган. Айниқса, маҳалла институтининг йил сайин ривожлантирилиб, фаол бўғинга айлантирилганлиги фуқароларнинг унга бўлган ишончини тобора оширмоқда. Маҳаллани ўзларига яқин олиб, қатор масалаларни шу ернинг ўзида ҳал этаётган, тўю маракаларидан тортиб барча тадбирларини фаоллар билан маслаҳатлашиб ўтказаётган, зарур пайтда муаммоларига ҳам ечим топаётган ҳамшаҳарларимиз унинг таъсирчан кучини айниқса, яққол ҳис этишмоқда.



Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги "Сергели-5" мавзесида жойлашган "Ҳабибий" маҳалласи аҳли ҳам бугун шундай йўл тутиб, ўзининг тинч-осойишта ва фаровон ҳаётини таъминламоқда. Бизга айтишларича, бу йил мазкур маҳалладан юқори ташкилотларга биронта ҳам ариза ва шикоят ёки норозилик хати тушгани йўқ. "Ҳабибий"да истиқомат қилаётган аҳоли билан яқиндан иш олиб бориб, оилалар манфаатини астойдил ҳимоя қилаётган, уларни қўллаб-қувватлаётган, ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларини обдон ўрганиб чиқиб, керак бўлган пайтда ёрдам қўлини чўзишдан ҳам қайтмайдиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусниддин Бегматов фаоллар билан биргаликда бундай аризабозлик ва шикоятларнинг олдини оляпти, уларга ҳеч қандай зарурат қолдирмаяпти.

— Маҳалла жамиятнинг муҳим бир бўлаги, — дейди оқсоқол. — Унда ҳаёт борлигича акс этиб туради. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бу ердаги ҳолатни ҳам яшириб бўлмайди. Шундай экан, бизнинг мустаҳкам қўрғонимизга айланган маҳаллани намунали гўшага айлантириш, унда қарор топган кўп йиллик миллий қадрият ва анъаналарни изчил давом эттириш, қадимий урф-одат, расм-русумларга янгича руҳ бағишлаш, тўй ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш, ҳар қандай исрофгарчиликка барҳам бериш, умуман, бугунги кун, янги замон нафасини уйғунлаштириш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Халқимизнинг севимли шоири Ҳабибий номи билан юритилиб келинаётган мазкур маҳалланинг ташкил этилганига 22 йил бўлди. Ундаги 29 та кўп қаватли уйда жойлашган 1134 та хонадонда эндиликда 1415 та оила, жами 4995 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг аҳил ва иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришлари учун маҳалла оқсоқоли Ҳусниддин Бегматов бор имкониятини ишга солмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланган бу жонкуяр оқсоқол маҳалладошларининг қалбига йўл топа олди. Тез орада уларнинг яқин маслаҳатчиси, суянчи ва таянчига айланди. Ҳозир маҳаллада жами 1200 ўринли 2 та усти ёпиқ автомобилларни сақлаш жойи, 2 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 5 та савдо дўкони, 2 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, сартарошхона ва новвойхона ишлаб турибди. Ҳудудда фаолият олиб бораётган 322-умумтаълим мактаби жамоаси ўғил-қизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшяпти. Маҳаллада униб-ўсиб, мазкур ўқув даргоҳида билим олган ёшлар таълим жараёни ва спорт тўгараклари машғулотларида фаол қатнашиб, ўз салоҳиятларини намоён этишмоқда. Жумладан, ана шундай иқтидорли ўқувчилардан бири Юлдуз Валиева ўтган йили Тошкент шаҳри бўйича рус тили фанидан ўтказилган олимпиадада ғолиб чиқиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Нурусмон Султонов эса пойтахт ўқувчилари орасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида совринли ўринни қўлга киритди. Ўғил-қизларда илм ва спортга кучли қизиқиш уйғотаётган мактаб ўқитувчилари фан ва спорт тўгараклари фаолиятини кучайтирмоқда. Эндиликда бу ерда спортнинг 6 та оммавий тури ва 22 та фан тўгараги иш олиб бормоқда. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида тўгаракларга қатнаб, севимли машғулотлари билан шуғулланмоқдалар.

Мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Ноила Унгарова ёш авлодни камол топтириш билан бирга маҳалла ишларига яқиндан кўмак бериб келмоқда. Маҳалла хотин-қизлар қўмитасини моҳирлик билан бошқариб, ҳудуддаги 2139 нафар хотин-қизга тегишли масалалар билан шуғулланяпти. Аёлларни жамиятда ўз ўрнини топишга руҳлантириб, фаоллигини оширмоқда. Маҳаллада яшовчи Латофат Ҳасанова бундан уч йил олдин ташаббус билан чиқиб, тикувчилик цехини очди. Учта янги иш ўрни яратиб, буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яна бир тадбиркор аёл Муқаддам Бобоева эса маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги бўш ётган хонага тикувчилик ускуналарини ўрнатиб, икки нафар аёлни ишга олди. Маҳалланинг қўли-гул бичувчи-тикувчилари тез орада миллий услубдаги замонавий либослар тайёрлашни ўзлаштириб, кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Уларнинг маҳсулотларига қўшни маҳаллаларда ҳам талаб кучайди.

Маҳалла оқсоқоли фаоллар ва хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ яқин истиқболда маҳалла инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Барча кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ёнидаги бўш ётган майдонлар ўрнида алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга тушириш, цехлар очиш, янги тармоқларни вужудга келтириш мўлжалланяпти. Маҳалла оқсоқолининг бизга кўрсатган лойиҳасида белгиланганидек, янги тармоқлар ва шохобчалар ишга туширилгач барча уйларнинг пастки кўриниши тубдан ўзгаради. Очиқ ва бўш ётган жойларда болалар ўйин ва спорт майдончалари ташкил этилади. Янги савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари иш фаолиятини бошлайди. Бу саъй-ҳаракатлар эвазига маҳалланинг ўзида қўшимча 29 та янги иш ўрни яратилади.

— Ҳомийлар ва саховатли тадбиркорларнинг бегараз кўмаги билан амалга ошираётган бундай хайрли ишларимиз ҳали кўп, — дейди Ҳусниддин Бегматов. — Яқин йиллар ичида маҳалламиз ўзининг бетакрор қиёфасига эга бўлади. Яратилаётган шароитлар маҳалладошларимизнинг тинч-осойишта турмуш кечиришларига хизмат қилади.



Маҳалланинг ўзига хос яхши анъанаси бор. Бу ерда муаммолар жойида ечимини топади. Аввалари кўпчилик коммунал хизмат кўрсатишдаги камчиликлар, уй йўлакларининг таъмирланмаганлиги, эшик ва деразаларининг синиб, очилиб ётиши, хонадонларининг яхши иситилмаслигидан юқори ташкилотларга шикоят қилишга мажбур бўлар эди. Муаммо юзага келишига сабаб бўлган омилларни обдон ўрганиб чиққан янги оқсоқол маҳалланинг ўзида ижобий ҳал этишга киришди. Ҳар бир масала ўз ечимини топганлигидан маҳалла аҳлининг кўнгли хотиржам тортди. Юзага келган ҳар қандай муаммони аввало маҳалланинг ўзида ҳал этиш имкони юзага келганлигидан кўпчилик мамнун бўлди. Аҳолидаги қараш, ёндошувлар ўзгарди.

"Ҳабибий" маҳалласида оилалар мустаҳкамлиги йўлида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда. Бу борада сиёсий партиялар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Жумладан, маҳаллада "Адолат" СДП Сирғали тумани кенгаши билан ҳамкорликда "Мустаҳкам оила — жамият кўзгуси", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Соғлом бола — соғлом она" мавзуларида тадбирлар ташкил этилди.

— Аммо сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларининг маҳаллалар билан ҳамкорлиги етарли эмас, — дейди Х.Бегматов. — Ваҳоланки, бугун ҳаётнинг ўзи партия фаоллари ва депутатлардан ижтимоий шериклик асосида маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу — одамларни ташвишга солаётган масалаларни чуқурроқ ўрганиш, маҳалла ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллада ибратли оилалар жуда кўп. Уларнинг орасида ўзларининг олтин ва кумуш тўйларини нишонлаб, бахтли-саодатли ҳаёти билан ҳаммага ўрнак бўлаётган отахону онахонлар ҳам учрайди. Зеро, бундай бахтли ҳаётга сабр-тоқат, қаноат ва кўп йиллик ҳалол меҳнат билан эришилади. Гўзал турмуш инсонга зийнат бағишлайди, бошқаларда ҳавас ва қизиқиш уйғотади. Бахтли оила эгалари бўлиш эса унга муносиб жуфтликларгагина насиб этади.

Маҳалла бугун янгиланишларга юз тутган. Унинг ишчан, серғайрат оқсоқоли фаоллар билан биргаликда аҳолига катта қулайлик ва шарт-шароит яратмоқда. Маҳалланинг обрў-эътиборини янада оширяпти. Яхши ният билан қилинаётган ҳар бир иш маҳалланинг гўзал қиёфасида бўй кўрсатмоқда.

**Гўзал АҲМАДАЛИЕВА**

Суратларда: *маҳалла фаолиятидан лавҳалар.*

# Мингбулоқда ўзгаришлар

**➢ Ҳудудлардан дараклар**

Мингбулоқ – Наманган вилоятининг марказдан бирмунча узоқ туманларидан бири. Экинзорлари ҳам асосан Марказий Фарғона чўлларининг ўрнида юзага келган. Собиқ тузум даврида иқтисодиётда фақат қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилинар, бошқа соҳалар гўёки "эсдан чиқарилганди". Бу ердаги ягона саноат корхонаси ҳам пахта тозалаш заводи эди.



Мустақиллик даврида эса вазият тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, кейинги йилларда мингбулоқликлар ижтимоий-иқтисодий йўналишларда сезиларли ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдалар. Туман маркази ва барча қишлоқларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳажми кенгайиб бораётир. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш диққат марказида турибди. Туманга киритилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бораётгани туфайли янги иш ўринлари яратилмоқда.

Яна бир қувончли жиҳати — сўнгги ойларда туманда партиядошларимизнинг фаолияти ҳам кўзга ташланиб қолди. Ҳолбуки, бундан бир-икки йил илгари "Адолат" социал-демократик партияси бошланғич ташкилотлари олиб бораётган ишлардан деярли ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Қандайдир тадбирлар ўтказиш у ёқда турсин, партиявий интизом издан чиққанди. Бунга биринчи навбатда кадрлар қўнимсизлиги сабаб эди.

— Шунга қарамай муносиб номзод қидиришда давом этавердик, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олимжон Мақсудов. — Партиямиз фахрийлари билан суҳбатлашдик. Тумандаги "катта-кичик"ни яхши биладиган оқсоқоллар маслаҳатини олдик. Ниҳоят, Олимжон Аҳмедов номзодига тўхтадик. Мана энди, вақт ўшанда танлов тўғри бўлганини кўрсатди.

Олимжон Аҳмедов Мингбулоқда тажрибали шифокор, камтар инсон ва намунали оила бошлиғи сифатида кенг жамоатчиликка танилган инсон. Қарийб қирқ йилдан бери эл саломатлигини сақлаш йўлида фидокорона меҳнат қилади. Ташкилотчилик қобилияти ҳам ёмон эмас. Катта-кичик жамоаларни бошқарганда вазифасини муваффақиятли бажарган. Қолаверса, ишчан ва изланувчан инсон. Айнан шу фазилатлари борлиги учун ҳам унга партиямизнинг туман кенгаши раиси вазифаси ишониб топширилди.

— Дастлаб ишни нимадан бошлашни билмай роса бошим қотди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши раиси Олимжон Аҳмедов. — Чунки ихтиёримда бир пайтлар тузиб қўйилган ва фаолияти сезилар-сезилмас тўртта бошланғич партия ташкилотидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Биринчи навбатда, уларнинг ишини тиклашга ҳаракат қилдим. Партиядошларимизнинг кўпчилиги билан яккама-якка суҳбатлашдим. Уларни фаолликка ундадим. Секин-аста натижа кўзга ташлана бошлади.

Раис фаолиятининг яна бир эътиборга молик жиҳати — ўз ҳамкасблари орасида иш олиб боришни унутмади. Биринчидан, бошқа туманларда ҳам "Адолат" СДП тарафдорлари ва аъзолари ўртасида тиббиёт ходимлари оз эмаслигидан хабардор бўлганди. Боз устига ўзи ҳам шифокор эмасми, уларнинг қалбига йўл топа олишига ишонганди. Бу борадаги ишлари ҳам самарали бўлди. Бугунги кунда тумандаги БПТлар сони ўндан ошган экан, уларнинг бир қисми тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир.

Бундан уч ой бурун Мингбулоқда бир анжуманда қатнашишимга тўғри келди. Ўшанда Олимжон ака туманда жойлашган 2-вилоят силга қарши кураш шифохонасида тадбир ўтказишни режалаштирган экан. Йиғилишга олтмишга яқин тиббиётчи тўпланди. Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлардан тортиб, "Адолат" СДП тарихию ҳозирги олиб бораётган ишлари, Низом ва дастур ҳақида атрофлича фикр юритилди. Сўзга чиққан Олимжон Аҳмедов шифокорларнинг кўнглидаги гапларни топиб гапирди. Бош врач Муҳаррам Аҳмедова, бўлим мудири Икромжон Кўчманов, катта ҳамшира Насиба Шокирова партиямиз фаолияти билан яхши таниш эканларини, бошқа ҳамкасблари ҳам "Адолат" СДП ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Бу ерда келгусида йирик БПТ тузилиши мумкинлигини ўшандаёқ кўнглим сезганди.

Яқинда яна Мингбулоққа йўлим тушиб қолди. Партиямизнинг туман кенгаши олиб бораётган ишлар билан қизиқдим. Раис БПТлар сони 13 тага етганлигини айтди. Аъзолар сони эса 150 нафардан ошиб кетибди. Биз юқорида тилга олган шифохонадаги партиядошларимиз сони эса 35 нафарга етибди. Туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч ёрдам бўлими, кўп тармоқли марказий поликлиникада, Гулбоғ қишлоқ врачлик пунктидаги БПТлар ҳам сафга қўшилибди. Туман электр тармоқлари, газлаштириш идораси, "Агробанк" филиалида ҳам бошланғич ташкилотлар тузилибди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Йил охиригача яна камида ўнта БПТ тузиш режалаштирилган. Шунда "адолат"чиларнинг сафи янада кенгаяди, бу эса сайловларда ҳам муваффақиятли қатнашиш учун замин тайёрлайди.

Куни кеча мингбулоқлик сафдошларимиз етакчиси билан яна боғландик. Олимжон Аҳмедов бўлажак сайловлар олдидан "Адолат" СДПнинг сайловларда қатнашишини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплашни ҳам қисқа муддатда якунлабди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар билан ишлашга ҳам ҳозир алоҳида эътибор қаратилаётган экан.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
«Adolat» мухбири

Reklama o'rnida

**➢ Фаолият**

Президентимизнинг "Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Жиззах вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорат инспекцияси томонидан тадбирлар белгиланди ва ташкил этилган ишчи гуруҳ қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган қурилиш-пудрат ташкилотларини Давлат реестрига киритиш ишларини амалга ошириб келмоқда.

# Иншоот мустаҳкам бўлса...

2014 йилнинг ўтган даврида инспекция томонидан вилоят ҳудудида турли молиявий манбалар ҳисобидан қурилиши режалаштирилган жами 388 та, шу жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан 295 та, хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобидан қурилиш режалаштирилган 96 та объект рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтган объектларда инспекциянинг ўз ваколати доирасида назорат тартибидаги ўтказган текширишлари натижасида қурилиш соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўйича пудратчи ташкилотларга тегишли ёзма кўрсатмалар берилган. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўпол хатоларга йўл қўйган 4 та пудрат ташкилоти томонидан объектларда бажарилаётган ишлар вақтинча тўхтатилган.

Ушбу йилнинг ўтган даврида инспекция ва мурожаат этувчилар ўртасида объектларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш бўйича 103 та шартнома имзоланди. Айни кунларда шартномаларга асосан объектларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Объектларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини таъминлаш, пудрат шартномаларига асосан объектларни ўз муддатида фойдаланишга топширишда "Агро квант" МЧЖ, "Мерос", "Диамонд" ва "Ж-қурувчи" кўп тармоқли хусусий фирмалар бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Президентимизнинг "Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Жиззах махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Жиззах шаҳрининг 2030 йил давригача мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари асосида Жиззах шаҳрида кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши инспекцияга бир қатор масъулиятлар юклайди ва инспекция ўз ваколати доирасида ишлар амалга оширилаётган объектларда назоратлар мунтазамлиги ва самарадорлигини таъминлаши, объектларнинг ўз вақтида ва сифатли топширилишида бевосита иштирок этиши талаб этилади. Инспекцияга юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва ўрнатилган тартибда бажарилишини таъминлашда ходимлар малакаси муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, дастур асосида "Техник ўқувлар" ўтказиб борилмоқда.

Инспекция маъмурияти томонидан қурилиш синов лабораториясини замонавий, юқори аниқликдаги ўлчов воситалари ва синов жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда янги синов турларини ўзлаштиришга эътибор қаратилиб, 2013-2015 йиллар учун тузилган режага асосан 2014 йил олти ой мобайнида 6 турдаги замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди. Қурилиш соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар ва мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги масалалар бўйича тадбиркорларга етарли маълумот бериш мақсадида инспекциянинг www.jizgasn.uz веб-сайти модернизация қилинди.

**Абдулаҳат МАМАСИДДИҚОВ,**
Жиззах вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорат инспекцияси сертификатлаштириш идораси бош мутахассиси

Хизматлар лицензияланган

ADOLAT
№ 39 (999)
2014-yil 26-sentabr, juma

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Қонун устувор юртда ўсиш, тараққиёт бўлади

Давоми. Боши 1-бетда

— Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар — адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бошқарувда очиқлик ва ошкораликни таъминлашга қаратилган интилишлари менга маъқул келди, — дейди М.Қурбонов. — Ўзим мутахассислигим бўйича юристман. Албатта, қонун устувор бўлган юртда ижтимоий адолат таъминланади, ўсиш ва тараққиёт бўлади. Менинг мақсадим ҳам партия сафида туриб, ушбу олижаноб ғояларни амалга оширишга ҳисса қўшиш. Менимча, мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимиз, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, барқарорликнинг бош сабабчиси ҳам тинчлик ва қонун устуворлигининг таъминланаётганида, деб ўйлайман.





Эътироф этиш жоизки, қатъият билан, узоқни кўзлаб амалга оширилган оқилона сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида қисқа вақт мобайнида катта ютуқларга эришиш мумкинлигини Ўзбекистон тажрибаси бутун жаҳон ҳамжамиятига исботлаб берди. Бироқ ҳозирги муваффақиятларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Чиндан ҳам бир эслайлик. Яқин ўтмишимизда, яъни ўтган асрнинг 90-йилларида халқимиз қандай оғир шароитларда кун кечирганини. Кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, нон, ёғ, гўшт, шакар учун дўконларда навбатга ёзилиб кутилар эди. Озиқ-овқат маҳсулотлари оиладаги кишилар сонига қараб тақсимлаб бериларди. Умуман олганда, халқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолган, қадр-қиммати, дину диёнати топталган эди...

Бугунчи? Ўзбек халқи аввало ўзлигини англади, урф-одатларимиз қайта тикланди. Қаранг, бир пайтлар тушимизга ҳам кирмаган ҳовли-жойларда яшаяпмиз, бозорларимиз, савдо дўконлари пештахталари маҳсулотлар билан лиқ тўла. Хоҳлаган нарсангни, хоҳлаган миқдорда сотиб олиш мумкин. Бир вақтлар харобадан деярли фарқи бўлмаган қишлоқларимиз бугун обод манзилларга айланди. Бизнинг корхонамиз ўрни ҳам яқин пайтларгача харобазор бўлиб ётарди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик учун кенг йўл очилди. Бир вақтлар бизга ўхшаган оддий чўпоннинг фарзанди тадбиркорликка қўл ураман, мулкдор бўламан деб ўйламасди. Мана, кеча эрки ўз қўлида бўлмаган халқ бугун ким бўлди...

Хўш, буларга ниманинг ҳисобидан эришдик? Таҳлил этиб қарайдиган бўлсак, мустақиллигимиз эълон қилинган дастлабки кундан бошлаб юртимизда инсон манфаати энг асосий масала сифатида қўйилди. Ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасида қатор ислоҳотлар олиб борилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш ғояси изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг муҳими, ана шу сиёсат, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга эътибор, одамлар фаровон турмуш кечириши учун яратиб берилаётган шароитлар амалда ўз самарасини берди.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимизнинг қисқа даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир.

Президентимизнинг мустақиллик байрами маросимидаги табрик сўзларини тинглар эканман, сиёсий партия фаоли сифатида бир хулосага келдим. БПТ тадбирларида, турли учрашувлар, давра суҳбатларида бугунги кунларга қандай оғир синовлардан ўтиб, машаққатларни енгиб етиб келганимизни одамларимизга, айниқса, ёшларимизга чуқур тушунтириб беришимиз керак. Ёшларимиз бу воқеаларни қанча чуқур билса, мустақиллик қадрини шунчалик юракдан ҳис этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатига хизмат қилаётганини ҳаётий мисоллар асосида тарғибот қилиб боришимиз лозим бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш борасидаги ташаббусларимизни янада кучайтиришимиз талаб этилади.





Тадбиркор раҳбарлик қилаётган "Dolinotex" корхонасига Ўзбекистон "Адолат" СДП Хўжаобод туман раиси Йигитали Бекбоевнинг ташрифи ва ишчилар билан ўтказган тарғибот учрашувидан кейин бошланғич партия ташкилоти тузилди. Тадбирда Ватан тараққиёти, юрт равнақи учун бел боғлаган "Адолат" социал-демократик партияси ғоялари корхона ишчиларига манзур бўлди. Й.Бекбоев ишчиларга Ўзбекистоннинг сиёсий майдонидан мустаҳкам ўрин эгаллаган "Адолат" СДПнинг ғоялари, дастури, мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги самарали фаолияти тўғрисида гапириб берди. Партиянинг Сайловолди дастурида белгилаб берилган 9 та йўналишдаги устувор вазифаларнинг ҳар бири хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолияти, депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасида олиб бораётган ишларидан ҳам тадбир иштирокчиларини яқиндан хабардор этди. Ижтимоий адолатни ўз фаолиятининг асосий дастуриламалига айлантирган партиянинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, хотин-қизлар, ёшларга муҳим эътибор билан қараётгани, унинг сафида ташаббускор, фидойи, жонкуяр аёллар, ёшлар тобора кўпайиб бораётгани тўғрисида билдирилган мулоҳазалар ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолларининг тарғибот учрашувидан кейин бугун биз мураккаб бир даврда яшаётганимиз, ҳар тарафда ахборот хуружи авж олаётгани ва юртимизга турли таҳдидлар хавф солаётганини яна бир бор англаб етдик, — дейди корхона ишчиси, БПТ фаоли Муножот Ҳасанова. — Шу боис дахлдорлик билан яшашимиз, жаҳонда ва ён-атрофимизда бўлаётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшашимиз керак. Қолаверса, мен сиёсий ва ҳуқуқий билимларим бойишининг ягона йўли партия сафида бўлиш эканлигини ҳис этдим. Бизнинг бахтимиз, толеимиз шуки, биз обод юртнинг озод одамларимиз. Шундай экан, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, юртимиз янада тараққий этишига ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Юқорида айтганимиздек, БПТга корхона раҳбари Маданбек Қурбоновнинг ўзи бошчилик қилмоқда. Раис ўз сафига 17 нафар партия аъзосини бирлаштирган бу қуйи бўғиндаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун барча чораларни кўряпти. Сафдошларни ташаббускорликка ундамоқда. Зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритиб, партия ғояларини кенг тарғиб этишга руҳлантиряпти. Ахир бошланғич ташкилот — партиянинг мустаҳкам таянчи. Ундаги ҳар бир иш, янгилик ва ташаббус сиёсий кучнинг обрўсига обрў қўшади, мавқеини мустаҳкамлайди. Вазифалар эса кўп. Бундан асло чўчимаслик керак. Олдинга интилиш, умумий мақсад сари дадил бориш ва албатта, амалий натижаларга эришиш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланганлигини маслакдошлар ҳеч қачон унутмасликлари лозим. Ўзбекистон "Адолат" СДП сафидаги Зулайҳо Ортиқова, Муҳайё Бобotoева, Саида Саримсоқова, Дилдора Юнусова ва Динора Жалиловалар бугун ўз ишининг моҳир устасига айланган. Сафдошлар ҳамжиҳатликда ишлаб, партиявий ишларга қанот бағишламоқда. Ҳар бир аъзо ўзига юклатилган топшириқни сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқда. Ишда ва партиявий жараёнларда бошқаларга намуна бўлишга интилиш ҳисси ҳар бир партия аъзосига хос фазилатга айланган.



Эндиликда қуйи бўғин имкониятлари партиявий ишларни кучайтиришга йўналтирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ахир БПТда амалга оширилган ҳар бир янги иш, эришилган ютуқ сафдошлар меҳнатининг кўзгусига айланади.

Иқтисодий ислоҳотларга қанот бағишлаётган корхона жамоаси эришаётган ютуқларга бир назар солиш фойдадан холи бўлмайди. Корхона 2011 йилда иш бошлаган. Ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари асосан Қозоғистон ва ички бозорга йўналтирилмоқда. Яқин кунларда корхона қувватини икки баробарга ошириш режалаштирилган. Маданбек Қурбоновнинг айтишича, у уйда ишсиз ўтирган ёки касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни ишга жалб этиш учун "Олтин водий" ҚФЙ раиси билан маслаҳатлашган.

Қуйи бўғиндаги самарали изланишлар ҳудудий ташкилотлар фаоллигини оширади. Шу мақсадда корхонага кеча партиянинг Хўжаобод туман кенгаши раиси Й.Бекбоев бошчилигида халқ депутатлари туман Кенгашидаги 3 нафар партия гуруҳи аъзолари ташриф буюришди. Негаки, янги сафдошларнинг муҳим сиёсий жараёнлар олдидан сиёсий билимларини ошириш устувор вазифа саналади. Шу нуқтаи назардан куни кеча қуйи бўғин аъзолари ва корхона ишчилари иштирокида Президентимиз томонидан имзоланган ва кучга кирган янги қонунлар, сайлов қонунчилигига оид ўзгаришлар, қарор ва фармонлар мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. Бунинг ортидан корхонанинг яна 8 нафар ишчиси БПТ сафига қўшилиш тўғрисида ариза берди. Партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, уларни партиянинг юқори органлари қарор ва фармойишлари ҳамда кўрсатмалари билан мунтазам таништириб бориш мақсадида бошланғич ташкилот хонаси партиянинг имижига мос равишда жиҳозланиб, намунали БПТга айлантирилди. Бунинг учун туман партия кенгаши қуйи бўғин хонасини керакли адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлади.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолларининг корхонамизда учрашувлар ташкил этиши, тадбирлар ўтказишнинг ҳам фойдаси катта. Ахир ишчилар юртимизда кечаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар шукуҳидан доимо хабардор бўлиб боришлари керак. Янги замон нафаси билан яшаётган ишчилар жамоаси учун бундай ёндашув ўзига хос янги имкониятга айланиши мумкин. Ваҳоланки, сиёсий жараёнлардан хабардор, иқтисодий-ҳуқуқий билимларга чанқоқ, саводхон ишчилар, муҳандис-техник ходимларнинг иши унумли бўлади, салоҳияти ошади, — дейди М.Қурбонов. — Сиёсий партиялар учун муҳим синов — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар тобора яқинлашиб бормоқда. Сайловлар йилида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари билан бир қаторда қуйи бўғинлардан ҳам фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Боиси, сайловларнинг қонуний, демократик тамойиллар асосида ўтиши, электорат эътиборини қозониш, аъзолар сонини кўпайтириш кўп жиҳатдан фуқаролар фаоллигига ҳам боғлиқ. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалишида эса сайловчиларга энг яқин ҳисобланган қуйи бўғинлар фаоллик кўрсатиши лозим. Зеро, партия фаолиятининг долзарб вазифалари ижросини таъминлаш, ғояларини ҳаётга татбиқ этишда бошланғич партия ташкилотлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барча даражадаги партия ташкилотлари етакчилари чуқур англаб фаолият олиб бориши сайловларга ёруғ юз билан кириш кафолатидир.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

## Ахборотлаштириш — бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, ижтимоий адолатни таъминлайди

Давоми. Боши 1-бетда

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар республикада олиб борилаётган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга оид ислоҳотларнинг мантиқий давоми экани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш taклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва миллий қонунчилик таҳлил қилинган ҳамда қонун лойиҳасида назарда тутилган масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш жараёнида қонунчиликнинг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятини режалаштиришда ва бизнес-стратегиясини ишлаб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига асосланади ва кўп ҳолларда уларнинг ўзгариши мумкинлигини инобатга олмайди.

Депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари жараёнида келиб тушаётган мурожаатлар шуни кўрсатадики, кўп ҳолатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, тадбиркорларнинг бу ҳақда бехабар қолиши натижасида, уларга нисбатан турли хил жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос бўлмоқда.

**Мавлуда Нишонова,**
**фракция аъзоси:**

— Амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги белгиланган.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига асосан, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Айни шу жиҳатлари билан мазкур қонун лойиҳаси партиямизнинг Сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, тадбиркорлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасидаги ахборот алмашинувини жадаллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ахборотлардан фойдаланиш кафолатларини янада мустаҳкамлаш назарда тутилган. Айниқса, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига киритилаётган нормага адолатлилик тамойили тўла сингдирилган бўлиб, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларини ўз вақтида тегишли веб-сайтларда чоп этиш борасида давлат ва хўжалик бошқарув органларининг масъулиятини оширишни таъминлаш ва тадбиркорларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали уларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда турмуш сифатини янада ошириш кўзда тутилган.

Йиғилиш сўнггида ишчи гуруҳи томонидан "Мамлакатда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифалари белгилаб олинди ва қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида қуйи палата Кенгашига хулоса тақдим этишга келишиб олинди.

**С.СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши, Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Ёшлар — Ўзбекистон ифтихори" шиори остида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бухоро давлат университетидаги 1-сон академик лицейда бўлиб ўтган шундай тадбирда фан, санъат ва спорт соҳаларида юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган иқтидорли йигит-қизлар иштирок этди.

Тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирадиган навқирон авлодни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатимизда ёшлар учун барча шароитлар яратиб берилган, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши фаоли Ж.Баҳронов. — Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни турли ёт ғоя ва иллатлардан асрашга қаратилди.

Вилоятнинг туман ва шаҳарларида ўтказилган шундай тадбирларнинг якуний қисми "Бухоро маданий маркази"даги мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Унда жойлардаги тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши ва "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Спортчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари, таниқли санъаткорларнинг концерт дастури тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ**

# Иқтисодий юксалишнинг зарур омиллари

➢ **Фармон ва ижро**

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб беш карра ўсди. Аҳоли даромадлари 8,7 баробар кўпайиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси, фаровонлиги ошиб бормоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг юксак суръатлар билан ривожланиб бораётгани кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани натижасидир.

Бу жараёнда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга бўлган эътибор, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун яратилган шарт-шароит миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашига замин яратди. Шу боис жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан иқтисодиётимизнинг йиллик ўсиши сўнгги ўн йил давомида саккиз фоиздан ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур фармон мамлакатимизда барқарор ишбилармонлик муҳити ва максимал даражада қулай инвестиция иқлими яратилишида муҳим омил бўлди. Чунки шу асосда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлиги оширилди. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитлари яхшиланди.

Бунинг натижасини жорий йилда тадбиркорлик субъектлари кўпайгани, соҳанинг иқтисодиётдаги улуши ўсгани ва муҳими тармоқда аҳоли бандлиги ошганида кўриш мумкин. Жумладан, жорий йилнинг ярмида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли 14,3 мингга яқин янги кичик бизнес субъекти иш бошлади. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 43,9 фоизни ташкил этиб, иш билан банд бўлган аҳолининг 76,4 фоизи шу секторда фаолият юритмоқда. 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли асосда амалга ошириш натижасида жорий йил бошидан буён беш юз мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг салмоқли қисми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

> Тўрақўрғон туманидаги "Ёрқин юлдуз тимсоли" масъулияти чекланган жамияти томонидан ягона солиқ тўлови бўйича пул маблағларини бюджетга ўтказишда Миллий банк Тўрақўрғон тумани филиали томонидан 66 минг сўм банк хизмати учун тўлов ундирилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан тегишли идораларга 90 тақдимнома, 173 огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Судларга ўнга яқин даъво аризалари тақдим этилди.

Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган фармонига кўра, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш ва уларни доимий равишда янгилаб бориш вазифаси юклатилган.

Бу амалиётда тадбиркорлик субъектларига керакли барча маълумотларни ташкилотларнинг расмий веб-сайтидан тезкорлик билан олиш ва ундан унумли фойдаланиш борасида жуда катта қулайлик яратмоқда. Чунки бундай шаффофлик бўлган жойда энди тадбиркор идорама-идора юриб вақтини, маблағини совурмасдан, ишига унум ва барака киритади.

Тадбиркорларнинг бу имкониятдан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш борасида адлия идоралари уларга зарур ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тижорат банклари ҳамда бошқа идораларнинг веб-сайтларини ҳам ўрганиб бормоқда. Бу жараёнда, афсуски, фармон талабларига тўлиқ риоя этилмаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Масалан, Сурхондарё вилояти Қизириқ ва Шеробод туманлари ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари умуман ташкил этилмаган. Бухоро вилояти Когон тумани ҳокимлигининг "Когон туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори тадбиркорларга бир қатор мажбуриятлар юклаган бўлсада, бу ҳокимликнинг веб-сайтида жойлаштирилмаган. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳокимлигининг расмий веб-сайтидаги маълумотлар сўнгги марта жорий йилнинг июнь ойида янгиланган бўлиб, унда тадбиркорлар билан ўзаро муносабат масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилмаган.

Фармонда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти бекор қилиниши белгиланган. Бироқ айрим тижорат банклари томонидан ҳанузгача бундай тўловлар ундириб келинаётгани аниқланди.

Жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Янгийўл туманида фаолият кўрсатаётган "Шаҳзодбек ойл плюс" масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобварағидан давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда жорий йилнинг 15 апрелидан 15 июлигача 700 минг сўмдан зиёд маблағ ноқонуний ушлаб қолинган.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Ёрқин юлдуз тимсоли" масъулияти чекланган жамияти томонидан ягона солиқ тўлови бўйича пул маблағларини бюджетга ўтказишда Миллий банк Тўрақўрғон тумани филиали томонидан 66 минг сўм банк хизмати учун тўлов ундирилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан тегишли идораларга 90 тақдимнома, 173 огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Судларга ўнга яқин даъво аризалари тақдим этилди.

Умуман айтганда, жорий йилда адлия органлари томонидан тадбиркорлар, шунингдек, хорижий инвесторлар манфаатлари кафолатланган бошқа қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан ҳам кўплаб ўрганишлар ўтказилди. Натижада тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортишда 6 мингдан зиёд, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда 1,8 мингга яқин, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда 1,3 мингдан ортиқ, ер майдони ажратишда 60 қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Масалан, Фарғона вилояти Учкўприк тумани давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан "Фермер-2001" фермер хўжалигида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг рухсатисиз текшириш ўтказилган. Ушбу ҳолат бўйича адлия органи томонидан киритилган тақдимномага асосан марказнинг икки нафар бўлинма мудирига интизомий жазо берилди.

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги "Ойбек" хусусий корхонасига унинг бузиб ташланган биноси учун туман ҳокимлиги томонидан етказилган моддий зарар асоссиз равишда тўлаб берилмаган. Бу ҳақда вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилгани натижасида туман ҳокимлигидан тадбиркор фойдасига 13,6 миллион сўм ундирилди.

Аниқланган қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 807 тақдимнома, 641 огоҳнома киритилди. Натижада 976 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, улардан 34 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 529 ноқонуний қарори бекор қилинди. Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарнинг манфаатини кўзлаб судларга жами 11,5 миллиард сўмлик 766 даъво ариза киритилди. Айни пайтгача даъволарнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорлар ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Иқтисодиётимизнинг таянчи, жамиятимизда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган тадбиркорларнинг манфаатлари қонун ва давлат ҳимоясида. Соҳанинг ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар сўзсиз бартараф этилади.

**Шокир САИДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
тадбиркорлар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш бошқармаси
бошлиғи

## Дори сифатини аниқлаш мумкин



Петербургдаги "Нанотаркиблар физикаси" илмий-маърифий марказида ишлаб чиқилган янги инновацион технология қисқа муддат ичида дори-дармонларнинг сифатини аниқ айтиб бериш имконини яратди.

Лойиҳа раҳбари Юрий Гунькoнинг сўзларига қараганда, гап худди лакмус қоғозига ўхшаб ишлайдиган наносенсор ҳақида кетмоқда. Яъни, мазкур сенсор турли кимёвий таркибларда турлича рангга эга бўлади.

Қурилма сатҳида миттигина диодли чироқча ўрнатилган. Унинг ранги ўзгаришига қараб дорининг кимёвий таркиби аниқланади. Таҳлил учун кўпи билан беш дақиқа вақт кетади.

Янги қурилманинг фармацевтика саноатида, биофармацевтика компанияларида, дорихоналарда, шифохоналарда кенг қўлланилиши кутилмоқда. Айни пайтда айрим мутахассислар қурилмани ўз соғлиғини қадрлайдиган фуқаролар учун оммавий равишда ишлаб чиқариш таклифини илгари сурмоқдалар.

## Эбола вируси инсониятга хавф солмоқда



БМТ Хавфсизлик Кенгаши тарихда илк маротаба одамлар саломатлигига бағишланган йиғилиш ўтказди. Анжуманда Эбола вируси бутун дунёга хавф солаётган хасталик сифатида расман эътироф этилди.

Эслатиб ўтамиз, илк бор бу вирус 1976 йили Зоир шимолида, Эбола дарёси қирғоғида яшайдиган аҳоли орасида аниқланганди. Бугунги кунга келиб 2,8 мингдан ортиқ киши Эбола безгаги қурбони бўлди. Яна 5,8 минг киши бу хасталикка чалинган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг тахминларига кўра, 20 мингдан ортиқроқ киши Эбола безгагига чалиниши мумкин. Айни пайтда Африканинг олти мамлакатида Эбола эпидемияси кузатилмоқда. Булар Либерия, Сьерра-Леоне, Гвинея, Нигерия, Конго демократик республикаси, Сенегалдир.

Эболага қарши курашда ҳали клиник тадқиқотлар ўтказилмаган вакциналар ишлатилишига рухсат берилган. Бу жаҳон амалиётидаги ўхшаши йўқ ҳодисалардан бири. Аммо хавф ҳам шунга яраша, дейишмоқда экспертлар.

## Терминатор қайтмоқда



Шимолий Каролина университети тадқиқотчилари унчалик катта миқдорда бўлмаган суюқ металл ҳаракати ва шаклини бошқаришга муваффақ бўлдилар.

Ҳозирча гап галлий ва индий металларининг қоришмаси ҳақида кетмоқда. Олимлар суюқ металлни сувга жойлаштирганлар ва унга кучсиз электр токи билан таъсир кўрсатганлар. Натижада металл томчилари ўзларининг одатий шаклларини ўзгартирди ва берилган йўналиш бўйича ҳаракат қилди.

Янги технология муаллифлари бундай усул яқин йиллар ичида микроэлектроника ва оптикада кенг қўлланилади, деб ҳисоблашмоқда. Жумладан, айнан суюқ металл асосида шаклини ўзгартирадиган ва турли сигналларни қабул қила оладиган антенналар яратиш мумкин.

Тадқиқотга жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида олимлар "Терминатор-2" фильмини ҳам эслатиб ўтишган. Ёдингизда бўлса, фильмдаги қаҳрамонлардан бири Т-1000 тўлиқ суюқ металлдан яратилган.

## Китоб ўқинг, газета-журнал ўқинг



Бир гуруҳ олимлар компьютерлар, электрон ридерлар, планшетларга қараганда оддий қоғозда чоп этилган матнлар инсон юраги ҳамда онгига тезроқ ва самаралироқ таъсир қилишини исботладилар.

Албатта, бугунги кунда босма нашрларни замонавий дисплейли, сенсор экранли гаджетлар сиқиб чиқараётганини кўриб турибмиз. Одамлар энди транспортда қалин муқовали китоб ёки газета-журналга эмас, планшетга мук тушиб бир нималарни ўқимоқдалар. Мутахассислар эса бундай мутолаа ўқувчини ҳис-туйғулардан, руҳий юксалишдан айиради, деб ҳисоблашмоқда.

Норвегиялик профессор Анне Манген ва канадалик психолог Дэвид Майэлл талабаларга битта матнни аввал қоғозда, сўнг дисплейда ўқитиб кўришди. Тажриба якунлари китобдан олинган маълумотлар хотирада узоқ вақт сақланиб қолишини, умуман китоб билан мулоқот ўқувчига ҳақиқий завқ беришини, мушоҳадага чорлашини кўрсатди. Бу эса инсон саломатлиги учун ҳам фойдали экан.

Айни пайтда китоб ўқиган талабалар топшириқларни гаджетда ўқиганларга нисбатан 7 фоизга яхшироқ бажаришган.

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

# Суд-ҳуқуқ тизими такомиллашмоқда

➢ **Фармон ва ижро**

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат аҳамиятига молик муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, давлат ҳокимияти тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш билан бир қаторда суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш ташаббуслари илгари сурилди.

Ислоҳотларнинг давомийлиги ва узвийлигини, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлигини бугун ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Суд органларини собиқ совет тузумида бўлганидек қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатида эмас, аксинча, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қиладиган органга айлантириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, жиноят, фуқаролик ва хўжалик процессуал қонунчилигига ўзгартишлар киритилди, илгари фақатгина битта суд фаолият кўрсатган бўлса, мустақиллик даврида суд органлари ихтисослаштирилди, жиноят ишлари бўйича судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамда хўжалик ишлари бўйича судлар ташкил этилиб, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини малакали кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш шароити яратилди.

Судда ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий қилинди, илгари эса судларда жиноят ва фуқаролик ишларини кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш инстанцияси белгиланган эди. Апелляция тартибида ишларни кўриб чиқиш босқичи жорий этилгани муносабати билан ишлар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиб, қайтадан кўриб чиқиш учун юбориб, сансалорликка йўл қўймасдан, аксинча, апелляция инстанциясининг ўзи томонидан тўла ҳажмда кўриб чиқиш мумкинлиги белгиланди.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатлари белгиланди, бунга кўра жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган кундан эътиборан узоғи билан икки ой ичида мазмунан ҳал этиш кўзда тутилган.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар гуруҳига киритилди, иқтисодий жиноятлар бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилди, инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури қонундан чиқариб ташланди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун қабул қилингунига қадар вояга етмай туриб унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши белгиланган бўлса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин эмас, деб топилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Бу қонуннинг жорий этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят-процессуал қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби анъаналарига мос равишда ярашув институти жорий этилди.

Қонунга киритилган ярашув институти қоидаларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликка тортилмайди ва жиноят иши ярашув асосида тугатилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳақидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби белгиланди.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

**Аброр САИДОВ,**
Жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилоят суди судьяси

ADOLAT
№ 39 (999)
2014-yil 26-sentabr, juma

## Pharmed ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

озод ва ҳур, келажаги буюк, истиқболи порлоқ юртимизнинг барча фидойи ва заҳматкаш ўқитувчиларини, устозу мураббийларини **қувончли шодиёна — Ўқитувчи ва мураббийлар куни** билан самимий муборакбод этади.

Сиз азиз устозларга келажагимиз эгалари — ёш авлодни ҳар томонлама етук, билимдон ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.



## АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Хизматлар лицензияланган

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши фаоллари

мамлакатимиз таълим тизимининг фидойи ходимларини, азиз ва меҳрибон устозларни, умрининг гўзал ва бетакрор даврини ёш авлод тарбиясига бахшида этиб, юксак обрў-эътибор топаётган барча муаллимларни **1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан** чин қалбдан муборакбод этади.

**Фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишларингизда сизларга улкан зафарлар тилайди.**







**ХОНАДОНИНГИЗ ДОИМО ТИНЧ, ҲАЁТИНГИЗ ГЎЗАЛ ВА ФАРОВОН БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!**

## Олов — тизгинсиз ёв

**➢ "101" огоҳлантиради**

Оловни тизгинсиз ёв, деб деб бежиз айтишмайди. Кичкина учқундан ҳосил бўлган аланга бир зумда ёнғинга айланиб, чор-атрофни қамраб олади.

Эҳтиётсизлик ва масъулиятсизлик туфайли содир бўлган ҳар қандай ёнғинни жиловлаш, катта ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари, ўт ўчирувчилар ҳамиша шай турадилар. Ахир олов қаърида инсон ҳаёт-мамоти ҳал бўлмоқда. Оёқ остидан бехосдан чиққан фалокатни бартараф этиб, уларни қутқариш, оловни ўчириб, ҳамшаҳарларимизга ёрдам бериш бизнинг доимий вазифамиздир.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётгани ниҳоятда ачинарлидир. Бу албатта хонадонлардаги газ ёки электр истиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш оқибатида келиб чиқмоқда. Оддий тартиб-қоидаларга амал қилмаслик ана шундай кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, уйда, ишхонада, дам олиш масканлари ва жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай нохуш вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши керак. Биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари хамшаҳарларимизни доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб яшашга чақирамиз.

**Иброҳим АБИДОВ,**
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 14-ҲЁХҚ инспектори сафдор

## Сўранг, жавоб берамиз!

Уйнинг эгаси ўзига тегишли бўлган уйни сотмоқчи бўлганида, мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг ҳам розилиги бўлиши, яъни улардан рухсат олиши керакми?

*Гулнора Бекмуродова, Ангрен шаҳри*

Уйнинг эгаси ўзига тегишли уйни сотаётганида мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг розилиги олинмайди. Оила кодексининг 24-моддасига асосан кўчмас мулк (никоҳ даврида олиниб) эр (хотин)нинг номига расмийлаштирилган бўлса, хотин (эр)нинг нотариал тасдиқланган розилиги олинади.

Лекин хусусийлаштирилган уй-жойни олиш-сотиш шартномаси тасдиқланаётганда уй эгасининг биргаликда яшовчи вояга етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги олинади. Вояга етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, улар бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳимоя қилади.

Васият бўйича меросхўр васиятнома кучга киргандан сўнг узоғи билан қанча муддат ичида меросни қабул қилиб олиши керак?

*Турдимурод Асимов, Тошкент вилояти*

Фуқаролик кодексининг 146-моддасига асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади. Бунинг учун меросхўр нотариал идорага васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилиши лозим. Амалдаги Фуқаролик кодексида меросни қабул қилиш муддати чегараланмаган.

Саволларга Ангрен шаҳар 4-ДНИ нотариуси **Барно КАРИМОВА** жавоб берди.

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙФНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).
**Навбатчи муҳаррир** — Қаҳрамон Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғуломжон Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900. Адади — 5892
Босишга топшириш вақти — 21.20 Босишга топширилди — 00.00
1 2 4 5
*Баҳоси келишилган нархда*